Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 24-YANVAR, SESHANBA, 11 (7940) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Товуқ етти хазинанинг бири дейилишига асос бор. Фақат уларга тўғри парвариш керак. Паррандалар орасида касаллик тез тарқалади. Бир касал товуқ бир кунда бир нечта товуққа инфекция юқтириши мумкин. Касал товуқни албатта ажратиб, алоҳида катакка жойлаштирган маъқул.

Бобобеҳқонларимиз ер тўйса, эл тўяди, деган ибратли нақлни бежизга айтишмаган. Кейинги йилларда шўрланишни камайтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланилаётганлиги ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва юқори сифатли ҳосил етиштириш имконини бераётир.

Далв. Уни баъзан "кичик чилла" ҳам деб аташади. 21 январдан 21 февралгача давом этади. Халқимизда шундай ривоят юради. Катта чилла ўз ўрнини кичик чиллага бераётиб, шундай дермиш: "Мен катталигимни қилиб бўлдим, қани ўзингни кўрсат-чи". Бундан таъсирланган кичик чилла ўзини кўрсатармиш: шу боис ҳам далв катта қорлару аёзли изғиринлар билан дохил бўлармиш.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Наманган Вилояти

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида Поп туманида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Сув йўли равон, кўнгиллар равшан

— Ариқ қазиб, сув келтирган элда азиз, деган ибора бор халқимизда, — дейди тумандаги Найман ҚФЙда яшовчи Султонмурод ота Қўймуродов. — Бу буғдойнинг ҳам, пахтанинг ҳам ҳосили мўл бўлишига замин.

Султонмурод ота қишлоқнинг обрў-эътиборли оқсоқолларидан. Узоқ йиллар пахтачилик бригадасини бошқарган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор унвонига сазовор бўлган. Айни пайтда элликка яқин набира ва эваралари даврасида кексалик гаштини сурмоқда.

Нуронийларнинг эътирофи, беихтиёр бизни "Норин-Сирдарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига чорлади. Негаки, ҳаётбахш ҳужжат асосида ҳавза жамоаси катта ишларни амалга оширишмоқда.

Ҳавза бошқармаси бошлиғи Баҳодир Охунов кузги-қишки агротехник тадбирлар қай тартибда бораётганлигини кузатиш мақсадида Поп туманига кетаётган экан. Бу биз учун айни муддао бўлди. Наманган билан Поп оралиғидаги масофа олтмиш, сал ундан кўпроқ чақиримлик йўл. Шу боис, суҳбатдошимиз билан ирригация-мелиорация соҳаларида амалга оширилган, оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашиб кетдик.

— Бугунги кунга келиб, мавжуд шўри ювиладиган майдонларда чел олиш ишлари якунланди, — дейди Баҳодир Охунов. — Шу жумладан, Мингбулоқ туманида 15714 гектар, Поп туманида 8386 гектар, Тўрақўрғон туманида эса 300 гектар экин майдонларининг шўри ювилади. Шўрланган ер майдони ўз вақтида сифатли шудгорланган ва оби-тобида текисланиши зарур. Ернинг нишаблигини эътиборга олган ҳолда майда-майда поллларга бўлиб чиқилиши мақсадга тўғри келади. Шу ўринда яна бир муҳим масала шўрланган экин майдонларига яхоб суви берилиши шарт. Юртбошимизнинг 2008 йил 19 мартдаги "2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бўйича биргина ўтган 2011 йили 9331 гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга 6 миллиард 488 миллион 600 минг сўм маблағ сарфланди. Юқоридаги давлат Дастури ижроси юзасидан жорий йилда вилоятимиз бўйича реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларига жами 7 миллиард 625 миллион сўмлик маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Шунингдек, вилоятимиз бўйича жами 2605 километр узунликдаги хўжаликлараро каналлар, 2087 та гидротехник иншоот, 1661 та гидропост, 10 та сув омбори, 218 та насос станцияси, 228 та тик қудуқ, 1813,8 километр узунликдаги коллектор зовур тармоқлари мавжуд бўлиб, улар орқали вилоят қишлоқ хўжалиги экин майдонларига мавсум давомида 2620 миллион метр куб сув етказиб берилаётир.

Поп туманидаги "Поп — Яккатут", "Найман", "Навбаҳор" ва бошқа бир қатор сувдан фойдаланувчилар уюшмаси фермер хўжаликларининг экин майдонлари Сирдарёнинг чап қирғоқ минтақасида жойлашган бўлиб, суғориб экиладиган ерларнинг аксарият қисми шўрхок ва шўртоб майдонлардан иборат. Шу боис, бу ерларда қиш фасли ҳам иш фасли ҳисобланади.

Поп тумани ҳокими Баҳодир Раҳмонов билан Чиғаноқ қишлоғида жойлашган "Норин — Сирдарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг кўчма идорасида, яъни "Шўр ювиш штаби"да учрашдик. Суҳбатимиз ҳам бугунги агротехник тадбирларга боғланди.

Туманда жорий мавсумнинг шу кунгача 7100 гектар майдонда пол олиниб, 5800 гектар майдоннинг шўри ювиб бўлинибди. Жумладан, 78,4 километр узунликдаги хўжалик ички тармоқлари, 37,2 километр узунликдаги хўжаликлараро суғориш тармоқлари чопиб тозаланган. Натижада "Поп — Яккатут" СИУдаги Мирзаорол ҳудуди "Найман" СИУдаги Кенагас, Қазноқ ҳудудлари, "Навбаҳор" СИУдаги "Данғал", "Вазира", "Азамат" фермер хўжаликларининг насос орқали суғориладиган айрим ер майдонлари ўзи оқар сув билан таъминланган.

— Мазкур ишларни амалга оширишда, вилоят ирригация тизими ташкилотларидан 200 нафардан ортиқ муҳандис-техник ходимларининг туман фермер хўжаликларига яқиндан кўмак бераётганлиги алоҳида эътирофга моликдир, — дейди туман ҳокими Баҳодир Раҳмонов. — Кенг кўламдаги ишларни амалга оширишда вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳамда "Давсувмахсуспудрат" унитар корхоналари томонидан 10 та бульдозер, 12 та юқори унумли экскаватор жалб этилди.

Айни пайтда умумий узунлиги 37,3 километрни ташкил этувчи "Зардарё" каналининг Дастур бўйича реконструкция қилинганлиги айни муддао бўлди.

Туманда мелиорация соҳасида, қишки агротехник тадбирлардан кўзланган мақсад — мўл ҳосил яратиш.

Кенг далаларда қишнинг қор-қировли кунларини иш мавсуми билиб, меҳнат қилаётган — ер шўрини ювиётган мироблар, уларга кўмакдош бўлаётган ирригаторлар, зовурларни тозалаётган экскаваторчиларга хайрли ишларида омад тиладик.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах Вилояти

ТЕХНИКА — ДЕҲҚОН ҚАНОТИ

Жиззах туманидаги «Агротехсервис машина трактор парки» очиқ акциядорлик жамияти ишчилари баҳорги дала ишларига пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Тумандаги мавжуд 596 фермер хўжалиги мавсумда фойдаланадиган техника мазкур корхона томонидан марказлаштирилган ҳолда таъмирланади. Токарлик, пайвандлаш, темирчилик цехларида ишчилар техника воситаларининг сифатли таъмирланиши учун барча имкониятлардан самарали фойдаланаётир. Ҳозиргача 228 чопиқ трактори, 226 культиватор, мингдан зиёд борона, 114 чигит сеялка экиш мавсумига тайёрлаб қўйилди.

СУРАТДА: *етакчи мутахассис Султонмурод Пиранов ва чилангар-механизатор Жаҳонгир Эрназаров.*

Умар РАҲМОНҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИДА

ИСПАНИЯНИНГ МАДРИД ШАҲРИДА 18-22 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТГАН "FITUR – 2012" ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ КЕНГ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, юртимиз сайёҳлик салоҳиятини хорижда кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самараларини бермоқда. Мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сони тобора ошиб бормоқда. Хориждлик сайёҳларни Ўзбекистонга кенг жалб этишда турли халқаро кўргазмаларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

"FITUR – 2012" халқаро сайёҳлик ярмаркаси Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини тўла намойиш этиш учун қулай имконият бўлди. Таъкидлаш лозимки, "FITUR" энг йирик халқаро ярмаркалардан бири саналади. Маълумотларга кўра, бу галги ярмаркада 167 мамлакатдан ўн мингга яқин сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этган.

Мадридда ўтказилган нуфузли туризм форумида Ўзбекистон миллий стенди ўзининг бетакрор дизайни билан ярмарка иштирокчилари ва меҳмонлари эътибори марказида бўлди. Унда ёрқин миллий матолар, мамлакатимизнинг гўзал масканлари тасвирлари, тарихий обидалар ёрдамида юртимизга хос муҳит яратилган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари ҳақидаги маълумотлар ва суратларни ўз ичига олган альбомлар сайёҳлик ярмаркаси иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Халқаро сайёҳлик ярмаркасида мамлакатимизнинг "Ўзбектуризм", "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "Ўзбекистон темир йўллари", шунингдек, "El Mundo Tour", "Marco Polo Central Asia Travel" ва "Megatour" каби туристик компаниялари иштирок этди.

"Ўзбектуризм" компаниясидан маълум қилишича, ушбу халқаро ярмаркада иштирок этиш туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, икки ва кўп томонлама манфаатли шартномалар тузиш, туристик бизнес ривожининг тенденцияларини аниқлаш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, бу борада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берган.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Сирдарё Вилояти

Гулистон тумани Раҳмонобод маҳаллосида яшовчи Эргаш Тоғаев ўтган йили "Қишлоқ қурилиш банк"дан олинган 20 миллион сўм кредит эвазига қишлоқда биринчилардан бўлиб "Сирли барака дурдонаси" номли парранда-чилик фермасини ташкил этди.

«СИРЛИ БАРАКА ДУРДОНАСИ»НИНГ БАРАКАСИ

Тадбиркор 5 минг бош "Ломан браун" зотли жўжа келтириб парваришлай бошлади. Айни вақтда кунига 2000-2500 дона тухум олиниб, Гулистон деҳқон бозорида сотилмоқда.

— "Сирли барака дурдонаси" фермаси банкимизнинг ишончли мижозига айланди, — дейди "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Сирдарё вилояти филиали ходими Салоҳиддин Ҳосилбеков. — Тадбиркор Эргаш Тоғаев кредит тўловларини ўз вақтида амалга ошириб келмоқда. Шу билан бирга, банкимиз ходимларига арзонлаштирилган нархда тухум етказиб бераётир.

— Жорий йилда фаолиятимизни янада кенгайтириб, товуклар сонини 10 мингтага етказмоқчимиз, — дейди Эргаш Тоғаев. — Шу мақсадда "Қишлоқ қурилиш банк"дан имтиёзли кредит олиб, янги товуқхона қуришни режалаштирганмиз.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистонда 8-9 ёшли болаларни вирусли гепатитнинг В турига қарши эмлаш ҳафталиги бошланди

Ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидандир. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, хусусан, болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни тубдан такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, мамлакатимизда эпидемиологик ҳолат барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Юртимизда аҳолини юқумли касалликларга қарши эмлашнинг миллий тақвимига биноан барча болалар эмлашга тўла қамраб олинмоқда. Натижада ўта хавфли юқумли касалликлар, жумладан, қоқшол, дифтерия, полиомиелит каби хасталикларнинг олди олинмоқда. Сариқ, қизамиқ, қизилча, кўкйўтал, тепки каби юқумли касалликларни кескин камайтиришга эришилди. Мамлакатимизда эпидемиологик вазият барқарор сақланиб, аҳоли, хусусан, болалар саломатлиги тобора мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистонда 23-28 январда ўтказилаётган вирусли гепатитнинг В турига қарши эмлаш ҳафталигидан кўзланган мақсад бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва аҳоли саломатлигини муҳофазалашдан иборат.

Ушбу эмлаш ҳафталигини юқори савияда ташкил этиш мақсадида жойларда тўққиз ярим мингдан зиёд бригада ва беш ярим мингдан кўпроқ эмлаш пунктлари ташкил этилди. Бу жараёнда иштирок этадиган врач ва ҳамширалар махсус тиббий тайёргарликдан ўтди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, гепатит В ўткир юқумли касаллик бўлиб, жигар фаолиятининг бузилишига олиб келади. Натижада цирроз ва ўсма хасталиги келиб чиқиши мумкин. Мамлакатимизда бу касалликнинг олдини олиш мақсадида 2009 йилдан бошлаб болалар анъанавий тарзда тўрт марта эмланмоқда. 8-9 ёшли болаларни гепатит В га қарши такрорий эмлаш болаларнинг иммунитетини янада мустаҳкамлаш ва тиббий профилактика ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус сертификати билан кафолатланган замонавий эмлаш воситалари тегишли тиббий-санитария қоидалари асосида жойларга етказиб берилди.

– Оилавий поликлиникамиз ўттиз икки минг нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади, – дейди пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Нодира Мусаева. – Миллий режа асосида ўтадиган эмлаш ишларига болалар тўла қамраб олинмоқда. Вирусли гепатитнинг В турига қарши эмлаш ҳафталиги ҳам юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтмоқда. Бу жараёнга ҳудудимиздаги беш мактаб ва 31-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан жами 474 нафар ўқувчи қамраб олинган. Уларни эмлаш мақсадида йигирма нафарга яқин тиббиёт ходими олти гуруҳга бўлиниб иш олиб бораётир. Эмлаш бригадалари болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида ишлатиладиган тиббий асбоб-ускуналар ва етарли миқдордаги вакциналар билан таъминланган.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигидан маълум қилишларича, 28 январга қадар давом этадиган эмлаш ҳафталигида саккиз юз минг нафардан зиёд 8-9 ёшли ўғил-қиз В вирусли гепатитга қарши такроран эмланади. Бу тадбирлар ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, юртимизда эпидемиологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Қашқадарё Вилояти

ТЕХНИКАЛАР МАВСУМГА ШАЙЛАНМОҚДА

Яккабоғ тумани деҳқонлари жорий йилда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун пухта тараддуд кўришмоқда. Бунинг учун тумандаги мавжуд техникалар ўтган йилгига қараганда бир ой олдин мавсумга тахт қилиб қўйилди. Айни пайтда маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ариқзовурларни тартибга келтириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Яккабоғ "Агротехсервис" масъулияти чекланган жамияти жамоаси қисқа муддат ичида 98 та чигит экиш сеялкаси, 136 та культиватор, 440 та боронани сифатли таъмирдан чиқарди. 5 та қўшқатор экадиган сеялка харид қилинди. Бу борада токар Шавкат Алиев, чилангар Тўра Эшонқулов, темирчи Юсуф Курбонов, пайвандловчи Собир Худойқуловлар кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

— Энг аввало, асосий эътиборни ишчи-хизматчиларга етарли шарт-шароитлар яратишга қаратдик, — дейди "Агротехсервис" масъулияти чекланган жамияти раиси Фахриддин Туймаев. — Таъмирлаш ишлари учун 30 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар олиб берилди. Ишчилар махсус коржомалар билан таъминланди. Ўзимизда зарур эҳтиёт қисмларни ясашни ҳам ўзлаштирдик. Натижада беш миллион сўм маблағ иқтисод қилинди. Бундан ташқари, Нишон туманига 40 дона, Касби туманига 25 дона комбайн ричак мотовали етказиб бердик. Бунинг эвазига 2 миллион сўмдан ортиқ соф фойда кўрдик.

Ишимизнинг тез ва соз ташкил этилишида Чиноздаги "Агромашсервис", Қаршидаги "Ўзкейссервисмагнум" филиали, Аким трести корхоналарининг кўмаги катта бўлди. Қарши таъмирлаш заводи эса сеялка, борона, "Кейс", "Класс Доминатор" комбайнлари учун эҳтиёт қисмлар етказиб берди.

Масъулияти чекланган жамият тасарруфида устахона, новвойхона, сартарошхона фаолият юритмоқда. Чорвачилик ва паррандачиликни йўлга қўйиш мақсадида икки мингта товуқ боқишга мўлжалланган бино қурилди. Шунингдек, беш бош зотли қорамол сотиб олинди.

Яккабоғ "Агротехсервис" МЧЖда бўлиб ўтган кўргазмали семинарда нафақат мазкур тумандаги, балки Шаҳрисабз, Чироқчи, Қамаши, Ғузор туманларидаги қишлоқ хўжалигига алоқадор ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари, фермерлар иштирок этди. Дастлаб иштирокчилар баҳорги экиш техникаларининг мавсумга шайлиги билан яқиндан танишдилар. Мавсумга тахт экиш сеялкалари, бороналар, культиватор ва ер текислаш механизмлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Бу ерда ишнинг ташкил этилиши талабга тўла жавоб беради, — дейди кўргазмали семинар қатнашчиси, Қамаши туманидаги "Бозор ўғли Абди" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Абди Бозоров. — Биз яккабоғликларнинг техникани асраб-авайлаш борасидаги ишларидан ибрат олдик.

Кўргазмали семинарда баҳорги экин-тикин ишларига пухта тараддуд кўриш, техникани мавсумга тез ва соз тайёрлаш, далага етарли миқдорда маҳаллий ўғит чиқариш, чигит экишни қисқа муддатда ўтказиш, айниқса, қўшқаторлаб экишга алоҳида эътибор бериш лозимлиги қайд этилди.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Тошкент Вилояти

Кўпчилик ҳовлисида қўй-қўзи, парранда боқиб келади. Бунинг асосий сабаби ва аҳамиятли жиҳати шундаки, у уйда тайёр маҳсулот ўрнини қоплайди. Кундалик турмушимиздa озиқ-овқат маҳсулотларидан ортган чиқиндилар бекорга исроф бўлмайди.

ҲОВЛИДА ПАРРАНДА БОҚИШ ОИЛА ИҚТИСОДИ БАРАКАСИ

— Кўп йиллардан буён уйимизда парранда боқардик, — дейди Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи Дилмурод Қурбонов. — Нафақага чиққач, паррандачилик билан алоҳида шуғуллана бошладим. Ҳозирда ҳовлимизда юзга яқин парранда боқяпмиз. Бозордан тухум сотиб олмаймиз. Қизим уйда буюртма олиб пишириқлар тайёрлайди. Масаллиқ учун тухум ҳам зарур. Уни бозордан олмаймиз, бу эса оила иқтисодига катта ёрдам. Шунингдек, алоҳида уй қилиб чиққан фарзандларимнинг оилаларини тухум билан таъминлаб турибмиз. Невараларим эрталабки нонуштага доим тухум қовуриб ёки қайнатиб еб кетишади. Тухум калорияга жуда бой. Шу сабаб, ўсиб келаётган ёш болалар учун жуда фойдали.

Парранда боқишнинг ҳам ўзига яраша сир-асрорлари бор. Ёш жўжаларга нунига оз-оздан балиқ ёғи бериб борилса, кундалик вазни, яшаш имконияти ортади. Ёз кунларида турли хил кўкатларни майдалаб бериб туриш ҳам тухум қилишини кўпайтиради. Қиш ойларида товуқлар бошқа фаслларга нисбатан кам тухум қўйишади. Шу сабаб, товуқларга совуқ кунларда илиқроқ сув бериб туриш керак. Шунингдек, маккажўхори донини бериш ҳам товуқ танасини иссиқ сақлайди.

Товуқлар сақланадиган катакларнинг доимий тоза туришига эътиборли бўлиш ҳар жиҳатдан муҳим.

Товуқларнинг озуқаси турли-туман витаминларга бой бўлса, тухуми ҳам сифатли бўлади. Озуқа ичига шиша, суяк, тухум пўстлоғини майдалаб, аралаштириб бериш жуда фойдали. Бу, шунингдек, тухум сони ортиши, тухум пўсти қаттиқ бўлишини таъминлайди.

Уй паррандасидан тайёрланган таомлар осон ҳазм бўлади. Мол, қўй гўштига нисбатан анча юмшоқ, тўйимли оқсил моддаси кўп. Айниқса, курка ва товуқ гўшти алоҳида парҳезбоплиги билан ажралиб туради. Товуқнинг эритилган ёғидан пазандачиликда ҳам фойдаланиш мумкин.

Товуқ етти хазинанинг бири дейилишига асос бор. Фақат уларга тўғри парвариш керак. Паррандалар орасида касаллик тез тарқалади. Бир касал товуқ бир кунда бир нечта товуққа инфекция юқтириши мумкин. Касал товуқни албатта ажратиб, алоҳида катакка жойлаштирган маъқул. Ветеринария дорихоналаридаги паррандалар учун дориларидан фойдаланиб, даволаш тавсия этилади.

Дилмурод ака уйда парранда боқиш кони фойда эканлигини кўп бор такрорлаб, бошқаларга ҳам буни маслаҳат берадилар.

Нилуфар САПАЕВА

Сурхондарё Вилояти

ТАЪЛИМ КОЛЛЕЖДА, АМАЛИЁТ КОРХОНАДА

Президентимиз Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, ўтган йилда амалга оширилган ишларни таҳлил этиб, галдаги вазифаларга тўхталар экан, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи барчамизнинг жиддий ва доимий эътиборимиз марказида туриши зарур, деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ёшлик — орзулар олами. Уларнинг амалга ошиши учун эса изланиш, интилиш лозим. Яна бир омил борки, бу ана шу изланишу интилишнинг самарасини рўёбга чиқаради. Имконият. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида мана шу имконият яратилди. Олий ўқув юрти ёки касб-ҳунар коллежлари тугатган малакали кадрлар, уларнинг фаолиятида бунинг ёркин ифодасини кўриш мумкин. Узлуксиз таълимнинг муҳим босқичи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш устувор вазифалардан бирига айланди. Мана шундай ишларнинг самараси ўлароқ, ўтган 2011 йилда коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажакда иш билан таъминлаш бўйича шартнома тузиш йўлга қўйилди. Республика миқёсида мазкур келишувлар асосида 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди.

Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда вилоятда 5 та академик лицей ҳамда 115 та касб-ҳунар коллежи фаолият юритмоқда. Уларда 140 минг нафарга яқин ўқувчи таҳсил олмоқда.

Касб-ҳунар коллежларида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида барча таълим муассасалари такомиллаштирилган ва узлуксизлиги таъминланган намунавий ўқув режалари, фан дастурлари, Давлат таълими стандартлари билан таъминланиб, ўқув-тарбия жараёнига жорий этилган.

— Энг муҳим ишлардан бири ўқувчининг олган билимини, эгаллаётган касбу ҳунарини амалиёт билан мустаҳкамлашдир, — дейди Сурхондарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Поён Бакиров. — Шу мақсадда қатор ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда асосий эътиборни фан-техника ютуқларига, замонавий ҳамда юқори технологияли ишлаб чиқариш, фармацевтика, ахборот коммуникацияси сингари соҳаларга қаратяпмиз. Яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда 2011 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун 16 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Айни пайтда ўқувчиларнинг амалиётларини самарали ташкил этиш, битирувчиларнинг иш жойларини ҳозирдан аниқлаш мақсадида касб-ҳунар коллежлари ўз йўналиши бўйича ташкилот, корхоналарга бириктирилмоқда.

Битирувчиларнинг касб кўникмасини ошириш мақсадида корхоналарда махсус ўқув синфлари ташкил этилган. Улар зарур жиҳозлар, кўргазмали воситалар билан таъминланган. Амалиётлар "уста-шогирд" анъаналари асосида олиб борилмоқда. Ўқувчиларнинг амалиётдаги фаол ҳаракати ва ўрганаётган мутахассисликларини қандай эгаллаётганига қараб, уларни корхоналарга ишга қабул қилиш кўзда тутилаётир.

Амалга оширилаётган ишлар, айниқса, қишлоқлардаги коллежларда яққол кўзга ташланмоқда. Буни мисолларда келтириб ўтсак. Вилоятда банклар — «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ипотека банк», «Турон банк», «Миллий банк», «Қишлоқ қурилиш банк» кўмагида 12 та "Автотехсервис" МЧЖ ташкил этилди. Қишлоқлардаги коллежларнинг йўналиши қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги механизацияси билан боғлиқ.

Айни шу жараён "коллеж — корхона" — "ўқувчи — мутахассис" муносабатларини шакллантириш, битирувчиларни амалиётга кенг жалб этиш ва иш билан таъминлашда катта имкониятларни яратди.

Пахтани қайта ишлаш саноатида ҳам "коллеж — корхона" анъанасида эътирофга молик ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда ўқувчилар ва мутахассислар ўртасида "устоз-шогирд" тизими йўлга қўйилган.

Вилоятдаги ўқув ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган касб-ҳунар коллежларида ишлаб чиқариш цехлари, устахоналар, сервис хизмати кўрсатувчи шохобчалар ташкил этилган. Бу эса ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлашларида муҳим омил бўлмоқда. Энг муҳим жиҳати эса ушбу амалиёт устахоналарига тегишли ташкилотлар томонидан хомашё етказиб берилаётганидир. Демакки, ўқувчининг — бўлажак мутахассиснинг тажрибасини оширишга жиддий эътибор қаратилаётир.

Қишлоқлардаги коллежларнинг иш ўрнини оширишга қаратилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалдаги ифодасидир.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Наманган Вилояти

Президентимиз Ислом Каримов томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасида нафақат шаҳар ва туманлар марказларида, балки чеккачеккка қишлоқларда ҳам ишлаб чиқариш корхоналари кўпаймоқда.

ҚИШЛОҚДА ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАСИ

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Наврўзобод қишлоғида фаолият бошлаган "Соф барака сут маҳсулотлари" масъулияти чекланган жамияти аҳоли учун ўз эҳтиёжидан ортган сутни сотиш имкониятини яратди.

Тадбиркор Бузулайҳо Ҳотамбоева саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган мазкур корхонага 7 минг АҚШ долларидан зиёд сармоя киритилиб, бир кечакундузда 500 килограммгача сутни қайта ишлаш қувватига эга замонавий ускуналар ўрнатилди. Корхонада тайёрланиб, замонавий дизайнда қадоқланаётган сифатли ва хуштаъм сут маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда.

2011 йилда Янгиқўрғон туманида 29 ана шундай кичик корхона ишга туширилиб, уч юздан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

А.САТТОРОВ,
ЎзА мухбири.

Навоий Вилояти

МУЛКДОРЛИК ҲИССИ МАНФААТДОРЛИКНИ ОШИРМОҚДА

Ҳозирда Навоий вилоятида 1801 фермер хўжалиги 219 минг гектарга яқин ер майдонида фаолият юритмоқда. Шундан экин майдонлари 89 минг гектарга яқинни ташкил этади.

Фермер хўжаликларининг 1158 таси пахта ва ғаллачиликка, 324 таси чорвачиликка, 264 таси боғдорчиликка ва узумчиликка, 17 таси сабзавот ва полизчиликка, 38 таси бошқа йўналишларга ихтисослашган.

Фермерлар агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш мақсадида мавжуд техникалардан унумли фойдаланиш баробарида янгиларини ҳам сотиб олмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 291 та турли русумдаги техникалар фермер хўжаликлари томонидан харид қилинди.

Зарур чора-тадбирлар амалга оширилиши эвазига 2011 йилда 1018 та фермер хўжаликлари томонидан 35,8 минг гектар майдонда пахта етиштирилиб, салкам 108 минг тонна хомашё йиғиштириб олинди. Фермер хўжаликларида пахтага ишлов бериш даврида механизатор ва сувчиларнинг моддий рағбатлантирилиши, теримнинг отряд усулида ташкил этилиши натижасида ушбу хомашёни нест-нобудсиз қисқа муддатларда йиғиб-териб олишга эришилди. Шунингдек, ғалла етиштириш бўйича ҳам шартнома режа республикада биринчилардан бўлиб бажарилди.

Суғориладиган ерларда ғалла ҳосилдорлиги 43 центнердан 47 центнергача етказилди. Қарийб 11 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши ҳисобига ҳосилдорлик 2-3 центнерга оширилди. Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига ажратилган имтиёзли кредитлар, ёқилғи ва минерал ўғитларнинг ўз вақтида етказиб берилиши, экин майдонларини суғоришда томчилатиб суғориш сингари мақбул усуллардан фойдаланиш кўзланган натижага эришишда асосий омил бўлмоқда.

Кейинги уч йилда Навоий вилоятида иссиқхоналар ташкил қилиниши ва ривожлантирилиши натижасида мева-сабзавот етиштириш ҳажми ҳам ортди. Бугун вилоятда 222 гектар майдонда 200 та иссиқхона ташкил этилиб, қарийб 3247 янги иш ўрни яратилди.

Чорвачиликда ҳам қатор ютуқларга эришилмоқда. Чорва моллари зотини яхшилаш мақсадида 150 минг бош сигирнинг 50 фоизга яқини сунъий қочирилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, Навбаҳор туманидаги "Ҳақиқат" фермер хўжалигида йилига 170 тонна сутни қайта ишлаш, Қизилтепа туманидаги "Маҳфуза" фермер хўжалигида 200 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари ишга туширилди. Бир сўз билан айтганда, мулкдорлик ҳисси манфаатдорликни оширмоқда.

Дарҳақиқат, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб астойдил меҳнат қилаётган фермерларимиз юртимиз иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб, Қизилқум сарҳадларини боғу роғларга, жаннатмонанд жойларга айлантирмоқдалар.

Фарҳод ТЎХТАЕВ,
Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси Навоий вилояти филиали кенгаши раиси.

Бухоро Вилояти

▼ МЕЛИОРАЦИЯ

ШЎР ЧЕКИНИБ, ЗАМИН СОҒЛОМЛАШМОҚДА

Вилоятда амалга оширилаётган бу борадаги юмушларни бажаришда "Шофиркондавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси меҳнат жамоасининг ҳам ўз ҳиссаси бор

Маълумки, деҳқончилик қилишнинг ўзига яраша сир-асрорлари, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишнинг бир қатор омиллари бор. Айнан шу жиҳатларга эътибор қаратмасдан туриб, деҳқончилик ишларида кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Ана шундай омиллардан бири аграр соҳада фойдаланиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдир.

Сизот сув сатҳи пасайтирилган, шўрланиш даражаси камайтирилган, соҳа ходимлари таъбири билан айтганда, "соғломлаштирилган" майдонларда деҳқончилик қилиш миришкорларимиз учун бир қатор қулайлик туғдиради. Бу борада мамлакатимиз миқёсида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 19 мартдаги "2008—2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарори экин ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация объектларини барпо этиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ҳамда ушбу ишларни молиялаштиришнинг янги тизимини яратишда асосий омил бўлмоқда. Шу ва бошқа қонуний ҳужжатлар экин ерларининг шўрланиш даражаси бир қадар юқори бўлган Бухоро вилояти учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Дастурга мувофиқ ажратилган 15 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилиб, белгиланган ишлар тўлиқ амалга оширилди. Натижада бир қатор зовур тармоқларида таъмирлаш, тозалаш-тиклаш юмушлари бажарилиб, вилоятдаги 48,2 минг гектар экин ерларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослашган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида вилоятдаги Бухоро, Шофиркон, Ромитан ва Қоракўл туманларида "Давсувмахсуспудрат" унитар корхоналари ташкил этилган эди. Воҳада мелиорация тадбирларини амалга оширишда ушбу корхоналарнинг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлаяпти.

Ҳамид Шарипов раҳбарлик қилаётган "Шофиркондавсувмахсуспудрат" унитар корхонасида 60 киши меҳнат қилади. Корхона ҳисобида 10 та юқори унумли чет элда ишлаб чиқарилган экскаватор, 2 та бульдозер ва бошқа бир неча турдаги техникалар мавжуд. Ушбу техника ва механизмлар кучидан унумли фойдаланаётган меҳнат жамаоси белгиланган режаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга муваффақ бўлишаяпти. Масалан, корхона жамоаси ўтган йил давомида салкам 3 миллиард сўмлик иш бажариб, йирик мелиорация объектларидаги ишларда иштирок этишди. Бухоро вилояти ҳудудидаги Каттақўл—Гужайли, Жилвон, Оғитма, Толди, Шимолий, Навоий вилоятининг Оқ-олтин, Хўжа Ҳасан зовур тармоқларида олиб борилган катта ҳажмдаги мелиорация ишларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, корхона фермер хўжаликлари ва бошқа тизим ташкилотлари билан шартнома асосида 141 миллион сўмлик иш бажарган.

Жорий йил иш режаларини ҳам белгилаб олган корхона жамоаси айни кунда Шимолий Бухоро, Жилвон, Ғиждувон, Шимолий зовур тармоқларида олиб борилаётган мелиорация ишларида иштирок этишаяпти. Энг асосийси, корхонага тегишли барча техника воситалари ишчи ҳолатида эканлиги кўрсаткичларнинг салмоқли бўлишини таъминламоқда.

Шунингдек, корхонада ишчи ходимларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йил якунлари бўйича 5 нафар экскаваторчи корхона касаба уюшмаси қўмитаси томонидан 1 миллион сўм миқдорида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Корхона қошида ташкил этилган иссиқхона, паррандачилик хўжалиги, 5 гектарли боғ ҳам келгусида қутилган натижаларни бериши турган гап.

Ҳамроз АЛИ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сирдарё Вилояти

▼ ҚИШ ЮМУШЛАРИ

ЕРГА ЎҒИТ БЕРСАНГ, ЕР ҲОСИЛ ҚИЛИБ ҚАЙТАРАДИ

Бобобеҳқонларимиз ер тўйса, эл тўяди, деган ибратли нақлни бежизга айтишмаган. Кейинги йилларда шўрланишни камайтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланилаётганлиги ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва юқори сифатли ҳосил етиштириш имконини бераётир.

Айниқса, куз ва қиш ойларида жамғарилган маҳаллий ўғитнинг вегетация даврида ғалла ва ғўза пайкалларига "шарбат" усулида оқизилиши тупроқ микроэлементларини яхшилаб, ҳосилдорликни ҳам ошираётир. Маҳаллий ўғит — гўнгни эгатларга "шарбат" қилиб оқизиш экин майдонлари шўрлаган, камқувват Сирдарё вилояти шароитида ўзгача аҳамият касб этмоқда. Ғалла майсалари туплаб, найчалаш, ғўза кўсаклаш босқичига кирган вақтда берилган "шарбат" экин ривожини тезлаштириш, бошоқ ва кўсаклар бўлиқлиги, кўпайишини таъминлаш баробарида тупроқ микроэлементларида гумус миқдори ошишига ҳам олиб келаётир.

Маҳаллий ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш тажрибаси ўтган йилги вегетация даврида тўлароқ намоён бўлди: вилоятнинг шўрланиш кучайган Мирзаобод, Сардоба, Ховос туманларида ҳам ғалла ва пахтадан мўл ва эртаги ҳосил етиштирилди. Ана шу тажрибага таянган, ер тўйса, эл тўяди, деган ибратли нақлга амал қилаётган фермерлар, уста мирзачўлликлар шу кунларда далаларнинг бошига маҳаллий ўғит ташиб, жамғаришга алоҳида масъулият билан ёндашмоқдалар. Далаларга маҳаллий ўғит ташиб, ғамлаш, фермерлар мушкулини енгиллаштиришда "Қишлоқхўжаликкимё" бирлашмасининг туманлараро ўғит тарқатиш базалари — филиали механизаторларининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

Мирзаобод туманидаги 36 та фермер хўжалиги далаларига 3639 тонна маҳаллий ўғит жамғариб беришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди "Қишлоқхўжаликкимё" Боёвут туманлараро ўғит тарқатиш базаси филиалининг раҳбари Шавкат Ғафуров. — Бунинг учун филиал томонидан 10 та трактор, 20 та тиркама, 1 та юклаш агрегати сафарбар этилган. Ҳамроқул Абдуллаев, Фозил Каримов, Улуғбек Мавлонов каби механизаторларимизнинг ғайрат-шижоати билан туман далаларига кунига 250-300 тонна гўнг ташиб чиқардик. Ҳозиргача далаларга жамғарилган маҳаллий ўғит 3500 тоннадан ошиб кетди. Ғалла экиш даврида Мирзаобод, Гулистон, Боёвут туманларидаги экин майдонларининг ҳар гектарига 112-156 килограммдан фосфорли ўғит сепилганди. Ўз вақтида берилган маъданли ўғит ғалла майсалари илдизи бақувват ўсиб, қишга туплаб киришини таъминлади. Иккинчи сув билан бериладиган маҳаллий ўғит — "шарбат" майсалар ривожини тезлаштириш билан бирга ерга катта куч, дармон ҳам бахш этади.

— "Қишлоқхўжаликкимё" Боёвут туманлараро ўғит тарқатиш филиали механизаторларининг кўмагидан мамнунмиз, — дейди Охунбобоев номли сув истеъмолчилари уюшмаси раиси Мирза Туронов. — Уларнинг беғараз ёрдами туфайли ўтган йили ҳам ғалла майсалари ва ғўзани икки марта "шарбат" сувига қондиргандик. Ўз вақтида берилган "шарбат" шўрланишни камайтириш билан бирга ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш имконини ҳам берди. Натижада туманда биринчилардан бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома режасини ошириб бажардик. Айни чоғда далаларимизда ғалла баравж ўсмоқда. Бир текис туплаган майсаларнинг ҳар гектарига иккинчи суғориш даврида 500 килограммдан гўнгни "шарбат" қилиб оқизамиз. Шубҳасиз, ер унумдорлиги, экин ривожи, мўл ҳосилни ўйлаб қилаётган ҳаракатларимиз натижаси, албатта, юқори бўлади.

Тумандаги " Муҳаммад Адҳам ҳамкор", "Сарофроз чўққиси", "Ўрол Усмонович", "Ҳилол" фермер хўжаликларининг деҳқонлари маҳаллий ўғитдан унумли фойдаланаётганликлари бу йилги саъй-ҳаракатларда ҳам яққол сезилиб турибди: тупроқда шўрланиш камайиб, унинг микроэлементлари кўпайиши, бойиши баробарида экин озуқа илдизи янада мустаҳкамланмоқда, энг асосийси, майсаларнинг совуққа чидамлилиги ошаётир.

Вилоятнинг Боёвут, Сирдарё, Гулистон, Сайхунобод, Оқолтин туманларида ҳам экин малҳами — маҳаллий ўғит жамғариш гуруҳлари далаларда фаол ҳаракат қиляпти.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Фурқат ТОШМАТОВ олган суратлар.

● Эълон

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ТОШКЕНТ

«Universal auktsion invest» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2012 йил 22 февраль соат 15:00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 22-уйда жойлашган «Chirchiq aviatsiya ta'mirlash zavodi» давлат корхонаси Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри Дирекциясига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

1. 1981 йилда и/ч "ЗИЛ-130" (будка), давлат рақами 11 АQ 433, ранги кўк (хаки), техник носоз, бошланғич баҳоси 5 800 000 сўм.

2. 1987 йилда и/ч "ЗИЛ-131Н", давлат рақами 11 АQ 419, ранги кўк (хаки), техник носоз, бошланғич баҳоси 9 300 000 сўм.

3. 1985 йилда и/ч "УРАЛ-43200010", давлат рақами 11 АQ 432, ранги кўк (хаки), техник носоз, бошланғич баҳоси 9 540 000 сўм.

4. 1988 йилда и/ч "ЗИЛ-130В", давлат рақами 11 AL 911, ранги кўк (хаки), техник носоз, бошланғич баҳоси 9 493 000 сўм.

5. 1987 йилда и/ч "ЗИЛ-130В", давлат рақами 11 AL 908, ранги кўк (хаки), техник носоз, бошланғич баҳоси 9 944 000 сўм.

6. 1970 йилда и/ч "ЛАЗ-695Р", давлат рақами 11 АQ 415, ранги ҳар хил ранг (бело-красный), техник носоз, бошланғич баҳоси 1 859 000 сўм.

7. 1975 йилда и/ч "ЗПТ-20" автоприцеп, давлат рақамисиз, ранги хаки, техник носоз, бошланғич баҳоси 2 000 000 сўм.

8. 1973 йилда и/ч "КРАЗ-257" кран шассиси, давлат рақамисиз, ранги хаки, техник носоз, бошланғич баҳоси 1 146 000 сўм.

9. 1977 йилда и/ч "ГКБ-817/2П-5,51" автоприцеп, давлат рақамисиз, ранги хаки, техник носоз, бошланғич баҳоси 1 151 000 сўм.

2012 йил 22 февраль соат 16:00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси 18-уйда жойлашган «O'ZAGROSUG'URTA» давлат акциядорлик компанияси Тошкент вилояти Дирекциясига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

1. 1988 йилда и/ч "ВАЗ-21063", давлат рақами 11 АВ 548, ранги сариқ (сафари), техник носоз, бошланғич баҳоси 1 161 700 сўм.

2. 1982 йилда и/ч "АУДИ-80", давлат рақами 11 AJ 643, ранги яшил, техник носоз, бошланғич баҳоси 534 000 сўм.

3. 1977 йилда и/ч "ГАЗ-24", давлат рақами 11 АВ 522, ранги ҳаворанг (голубой), техник носоз, бошланғич баҳоси 285 000 сўм.

4. 1991 йилда и/ч "ГАЗ-2410", давлат рақами 10 620 ААА, ранги кулранг (серый), техник носоз, бошланғич баҳоси 515 000 сўм.

Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида сотувчи билан транспорт воситаси олди-сотди ширтномаси тузади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси биносида ўтказилади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг ХОАТБ «InfinBANK» МФО-01041, СТИР-302083379, 20208000304932168001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак. Ушбу савдо кунида сотилмай қолган транспорт воситалари такрорий аукцион савдолари 2012 йил 27 февраль, 5, 12 март кунлари соат 15.00 да ўтказилади.

Қўшимча маълумот олиш манзили: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, 15-қават, Давлат мулки қўмитаси биноси. Телефон: +99897 467-67-77, Факс: 259-20-10. Email: uainvest@mail.ru

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ФАРҒОНА

«Universal auktsion invest» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2012 йил 21 февраль соат 10:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 31-уйда жойлашган давлат солиқ бошқармасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

1. «Опел-Омега» русумли, д/б 40 257 LAA ранги кулранг бўлган, 2001-йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 10 465 617 сўм.

2. «Дамас» русумли, д/б 15 АС 197 ранги оқ бўлган, 1996-йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 4 373 615 сўм.

3. «Дамас» русумли, д/б 15 АН 221 ранги оқ бўлган, 1996-йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 4 372 562 сўм.

4. «Дамас» русумли, д/б 15 АС 116 ранги оқ бўлган, 1996-йилда и/ч носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 4 206 538 сўм.

5. «Дамас» русумли, д/б 15 AD 032 ранги оқ бўлган, 1996-йилда и/ч носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 4 292 911 сўм.

6. «Дамас» русумли, д/б 40 851 DAA ранги ҳаворанг бўлган, 1996-йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 4 271 843 сўм.

7. «Дамас» русумли, д/б 15 АС 260 ранги оқ бўлган, 1996-йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 833 838 сўм.

8. «Дамас» русумли, д/б 15 АС 728 ранги оқ бўлган, 1997-йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 4 292 911 сўм.

9. «Дамас» русумли, д/б 40 058 КАА ранги оқ бўлган, 1998-йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 4 363 389 сўм,

10. «Дамас» русумли, д/б 40 757 САА ранги оқ бўлган, 1996-йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 4 287 738 сўм.

11. «Тико» русумли, д/б 15 АІ 348 ранги оқ бўлган, 1996-йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 3 596 208 сўм.

12. «Тико» русумли, д/б 15 AG 005 ранги оқ бўлган, 1998-йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 3 971 773 сўм.

13. «Тико» русумли, д/б 15 АА 701 ранги оқ бўлган, 1998-йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 3 556 736 сўм.

14. «Тико» русумли, д/б 15 AD 629 ранги оқ бўлган, 1996-йилда и/ч, носоз ҳолатда бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 3 527 575 сўм.

Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2012 йил 7, 23 март кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдолари Фарғона шаҳри, Алфарғоний кўчаси, 43 уй, 3 қаватда ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг «Савдогар» ОАТ банк Фарғона вилояти бўлими МФО-00500, ИНН-302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига закалат пули тўлаган талабгорлардан аризалар қабул қилиш 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Қўшимча маълумот учун: 150100, Фарғона шаҳри, Ал Фарғоний кўчаси 43-уй.

Тел: +99873 213-07-80

Аукцион савдосида қатнашишни истаган шахслар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

- аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- жисмоний шахслардан паспорт нусхаси
- закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Гувоҳнома № 004059

● Эълон

